

ТОНГЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚҮМИТАСИ


Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган

№ 33 (65860)
1995 йил, 5 сентябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

**ВАТАН ТУЙГУСИ, ВАТАН ТУШУНЧАСИ БИЗ УЧУН
САЖДАГОҲДАЙ МУҚАДДАС, САЖДАГОҲДАЙ ПОК ВА УЛУФ БЎЛМОҒИ КЕРАК.**

И. КАРИМОВ



ҲАММА ҲОНАДОНДА КАТТА ТҮЙ БЎЛДИ

ёки Юлдузхоннинг байрам таассуротлари

У билан мен «Меҳржон» боғида танишдим. Бобоси, тўрт ёшли укаси билан сайдрга чиқишган экан.

— Исимм Санобар, бобом мени Кутлугой деб чақирадилар,— ҳикоя қилади у.

— Жонажон юртимиз мустақиллиги эълон қилинган кунлар етти ёшга тўлгандим. Шундан бери Кутлугойман. Ушанда ҳамма одамларнинг бу қадар хурсандлиги, баъзилар ҳатто севинчдан йигланганлари бои-

сини учналиқ тушуммагандим. Мана, ҳозир ўн бир ёшдаман. Озодлигимиз қанчалик буюклиги, уни авлод-ажодларимиз қанчалик катта курбонлар эвазига бўлса-да, орзу қилишгани ва бу йўлда жонларни ҳам фидо қилишгани, неча замонлар ўтиб, Оллоҳ бу катта баҳти бизнинг пешонамизга насиб этганини тушуниб олдим.

— Отам тўқсон ёшдалар, — тўлқинланиб гапиради Кутлугойнинг бобоси. — Бир умр ўз

ерлари булишини орзу қилиб ўтарилилар. Тўрт йил ичидагатагина ерга, ўз фермер ҳужалигимизга эга бўлдик. Гўшт, сут, тухум, сабавот ва мева, ҳатто ўн ҳам ўзимиздан чиқди. Отам ҳали тетиклар, биз бола-чақаларимиз билан еримизга ишлага ни чиққанимизда улар ҳам бирга борадилар. Елкаларига ташлаб олган оппоқ дуррага баъзан кўз ёшларини артиб Президентимизни дуо киладилар. «Сизлар подшоҳимизни қадрига етинглар, болаларим, у доимо мамлакат тинчлигини, одамлар фаровонлигини ўйлади» деб утирадилар.

Халқлар дўстлиги майдонида юртимизда тинч-тотув яшаб, ишлаб, ижод қилаётган турли миллат вакилларини учратдим. Бу ерга ўйур, қозоқ, қирғиз, татар, немис, озарбайжон ва бошқа жуда кўп миллат маданий марказлари вакиллари чиқшиган.

Корейс милллатига мансуб Инна Ли дадаси, ойиси, опаси, укалари билан сайдрга келишиби.

— Мустақиллигимизнинг да-стлаби кунлари, — дейди Инна нинг дадаси, — «Кейин нима булар экан?» деган таҳжикада қочиб қолишга ҳаракат қилганлар ҳам бўлди, ҳатто кетишид ҳам, Лекин орадан бирор вақт ўтгач, Ўзбекистонда қандай миллат бўлишидан қатъий назар, тинч-тотув, фаровон яшаётганилиги, бошқа озодликка эришган баъзи мамлакатларда уруш, очлик, касаллик, қувғин хукм суроётганини қўриб қайтиб келишиди. Энди «Ўзбекистон — менинг она Ватаним» дейишмоқда улар.

Навоий театри майдони айниқса болалар билан гавжум экан. Бу ерда нафис санъат лицеи ўқувчиларини ҳам, болалар техника ижоди марказлари қатнашчилари, бадиий ҳаваскорлари гурухларини ҳам учратиш мумкин эди. Уларнинг бари ўз санъатларини намойиш этишарди.

Хадра майдони, Мустақиллик майдони, Ўзбекистон миллий бояги, Амир Темур майдони, эҳхе, байрам қилаётган инсонларнинг юз-қўзларига қараб завқинг ошади. Юртимиз тўйида жуда куп чет элликлар, жумладан юртимиздаги чет эл элчи-

хонлари вакилларини ҳам, бошқа меҳмонларни ҳам оиласлари билан сайд қилаётгандарини кўриш мумкин.

— Байраминг муборак азиз ўзбеким, яна жуда кўп йиллар доно юртбошинг етакчилигига ўз тўйингни нишонла, — дейди арабистонлик Мухаммад Сапар Мұхаммад.

Яна бир байрам тонги отди. Кечагина ҳарир кўйлакларига ранг-баранг мунҷоқлар тақиб, сочларига оппоқ ленталар бօғлаб ўз юрти тўйига чиқсан қизалоқлар, — гўзаллик тимсоллари, ҳар қандай шаротда ҳам сиполикни қўлдан бермайдиган, Ватанимизнинг бўлгуси қалонлари, шижоатли йигитчалар бугун мактаб формаси кийиб жонажон даргоҳларига келдилар. Биринчى қўнгирор, уларни Мустақиллик дарсига чорлади. Улар мустақил мамлакатимизни келгусида янада гуллаб яшнаши, жаҳондаги энг бадавлат мамлакатга айланishi, буюк давлат бўлиши учун илм оладилар. Бугун улар учун билимдун устозлар билан бирга, янгича мазмун билан бойитилган китоблар, электрон хисоблаш машиналари, компьютерлар хизматда. Болалар қизиқиши, иқтидорига қараб алоҳида фанлар, тиллар ўқитилмоқда.

2 сентябрда мамлакатимизнинг барча мактабларида мустақиллик дарси бўлди. Устозлар болаларга, болалар, бир-бirlariga Ўзбекистон Тамғаси, Мадҳияси, Қомуси ҳақида гапириб беришиди.

— Ўзбекистонимиз 1992 йилнинг 2 марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди, — ҳикоясида давом этиди Тошкент шаҳридаги 22-мактаб ўқитувчиси Дилбар опа Ибодова. — Турли-туман вазирликлар, қўмиталар, миллий банк, миллий авиакомпания, ахборот агентлиги ташкил этилди, 40 дан зиёд чет давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Энг муҳими, юртимиз ўзининг тинчликсеваричи ва ташки сиёсати билан, юртбошимиз эса оқилю донолиги, зуқколиги билан дунёни лол қолдирмоқда.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Президенти
Ислом Каримов юртимиз
мустақиллигининг тўрт йил-
лиги муносабати билан ҳал-
қимизни қутлади.

Таниқли ёзувчи Чингиз
Айтматовга қардошлини
улугловчи асарлари учун Ўз-
бекистонининг «Дўстлик» ор-
дени топширилди.

Тошкент шаҳрида
1-Марказий Осиё ўйинлари
спорт олимпиадаси бошлан-
ди.

Пойтахтимиздаги Юну-
сабод теннис кортида тен-
нис бўйича Президент кубоги
мусобақалари бўлиб ўтди.
Унда марокашлик теннисчи
Карим Алами голиб чиқди.

Гулистон шаҳрида теннис
корти қурила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси
бош вазирининг ўринбосари,
республика хотин-қизлар қў-
митасининг раиси Д. Гуло-
мова раҳбарлигидаги делега-
ция Жаҳон хотин-қизлар кон-
ференциясидаги шитирок этиши
учун Пекингга жўнаб кетди.

Байрам арафасида На-
мангандаги «Ўзбекистон»
маҳалласидан 30 та бемор-
лар ҳолидан хабар олинди.
Уларга озиқ-овқат, кайим-
кечакдан ёрдам берилди. «Иш-
чи» маҳалласидан 14 нафар
жажжиларниг хатна
тўйлари ўтказиб берилди.
Оҳунбобоев, Алишер Навоий,
«Мингчинор» маҳаллаларида
ҳам кичкин тойларга саҳо-
ватпешалик қилинди.



БИЛИМ – КУЧДА, КУЧ – БИЛИМДА

озод замонда яшаетган инсонлар гапи. Шаҳзода Қосимованинг ҳикояси барча синдошларни ўзига тортиди.

— Кўчамиздаги бир хонадонга Ўйур Республикасидан меҳмонлар келишиди. Уларнинг таассуротлари чексиз эди. Юртимишинг шифобахи ҳавоси, одамлари, мева-чеваси, хуштаъм нонлари жуда ёқибди. Шунинг учун бу ерда уч ой қолишди. Уларнинг яна битта гапи сира ёдимдан чиқмайди. Мен билан тенг Баҳоройнинг айтишича, биз фақатгина Ватанимиз бойликлари билангина эмас, меҳмондуст одамлари билан ҳам фахрлансан арзир экан.

Суратларда: Айниқса биринчи марта мактаб қуяғига қадам қўяётган 1-синф жажжисларининг қувончи бир олам. Улар бу ерга аллақачон ўқиши, ёзиши, санашини билуб олиб келишган. Мактабда бўлса улар учун қизиқ нарсалар жуда кўт: биринчи ўқитувчилар, янги дўстлар, дастлабки билимлар...

Сураткаш: Р. Альбеков.



Ҳар иши ана шунақа. Ўзбекистон болалари учун қўшалоқ байрам. Кечагина қувончдан еру қўкка сифмаётган болалар бугун янгигина таъмирдан чиққан синф парталари га ўтишишади. Бир-бирларига таътилу байрам таассуротларидан ҳикоя қилишга шошишишади. Уларнинг гап-сўзларида бундан беш йил аввалги бир хиллини кўрмайсиз. Бири: «Мен дадам билан Туркия, Арабистонга бордим» деса, бири: «Мен аям билан Шинжондаги қариндошларимизни кўриб келдим» дейди. Бу гап-сўзлар бугунги ҳур,

ТОТЛИ БЎЛСАНГ, БОЛДЕК БЎЛ!

Бир киши ариқ қазииди, минг киши ундан сув ичади. Еки бир одам кўптирик солади, минг одам ундан ўтади. Ўзбекистон радиосининг эндилиқда «Маориф ва тарбия» бош таҳририяти номи остида берилётган эшиттиришларнинг индаллосини бундан 60 йиллар аввал бир одам тайёрланди. Болаларга қайтуриб, узини, узлигини топганди. Аммо, ушандан бери минглаб инсонлар эзгуликка йўналди. Ақл кузи очилиб, эҳтимол, қувонди, азобланди... Аммо барибири, узини топди, узлигини яратди. Чунки «Аланга», «Бор эканда йўқ экан», «Маърифат истар кунтил», «Ҳар бола бир дунё», «Садоқат», «Имон, эътиқод сабоқлари», «Ватанинн семоқ иймондандир» каби эшит-

тиришлардан озмунча одамизод баҳра олдими? Заҳри илондек аччиқ, жонлар қурбондек — чучук тилига ўрганиб қолдими?

Рост, болаларга бағишлиган бу эшиттиришлар аччиқ бўлса қалампирдек аччиқ, тотли бўлса болдек шириндир. Шунинг учун ҳам уйғониб ўқиши, радио мурватини бурайсиз. Гоҳ эркаланиб, гоҳ ҳаяжонланиб сизга яхши яшаш учун имконият яратинглар, билим олмоқ учун, изланмоқ, интилмоқ учун шароитимизни яхшиланглар, деб сўйлаётган болакайларнинг тиник тилидан эриб кетасиз. Ҳаким Назир, Бурхон Зияев, Рафик Маҳмудов, Мели Норматов, Азиз Ёқубов, Тулқин Илҳомовлар ишлаган, қалб кури меҳр нурини болалар оламини чарогон

этишга бағишлиган бу даргоҳда эндилиқда таникли журналист Эркин Маликов сарбонлик қилмодалар. Эшиттириш анъаналарига содик қолган ҳолда янгича оҳанг, руҳ ва ранг-баранг мавзу билан ёштарган эшиттиришлар мундарижаси Ҳафиза Ҳайитматова, Абдурашид Истроилов, Муаттар Усмонова, Насиба Зиевуддиновларнинг сайи ҳаракатлари билан бойиётгани ҳам рост. Ҳамкасларимиз байрам муносабати билан туркум эшиттиришлар тайёрлашди. Турли конкурслар, беллашувлар утказишиди. Демак, истиқболининг истиқболига ишонч, эътиқод билан ёш авлодни ҳуррам қилишиди. Биз ҳамкасларимизни байрам билан кутлар эканмиз, сизга таҳририятнинг кенжга сухандони Шаҳзод ҳақида хикоя қиласми.

«ХЎРОЗҚАНД»НИНГ ҚАНДИ

— Шаҳзод радио ўйига, ёш сұхандонлар танловига кетди, — деди Шоира опа Ҳабибулло аканинг саволига жавобан.

Ота сергак тортди, кейин афсус оҳангиди:

— Бекор юборибсизда, онаси, ахир бундай танловлардан утиш осон эмас, бекорга боланинг күнгли чуккани колади, холос.

Кечга яқин Шаҳзод уйга ҳоргин қиёфада кириб келди.

— Ақажон, голиб чиқлингизми, — деди унинг ёнига югуриб келган уласи Бехзод.

— Ҳали йўқ, яна бир ҳафтача синаб куришлар экан.

Шаҳзоднинг бу жавоби оиласагларнинг ҳаммаси учун етарли эди.

Мана, бу гап-сўзларнинг булиб ўтганига ҳам сал кам бир йил булиди.

Шаҳзод дастлаб синовга келган куни ҳайжонланганнайдан берилган матнни ўқиётмай тутишиб қолди. Шунда тажрибали режиссрлар Рихсивой ака Мирзахимов, Собир ака Содиков ва жонкуяр журналист Азиз Ёқубовлар унга даљда беришиди.

— Узи дастлаб шунақа булади, овоз ҳам аста-секин очилади дейишиди.

Эртаси куни яна омади келмади, овози гиппа буғилиб қолса буладими... Лекин у барбири катнайверди, радио ўйидаги болажон катталар ҳам ули қайта-қайта синаб куришаверди. Ниҳоят Шаҳзодни «Маориф ва тарбия» бош муҳарририятининг «Хўроҳанда» эшиттиришига сұхандон этиб қўбилишиди. Кичик жуссали, иктидорли, ҳаракатчан, қизиқувчан, меҳнатсевар, чақиқоқ кузли болакай узиппинг тиришқоқлиги билан режиссрлар ва уртоқлари меҳрини қозонди.

— Устоzlарим Рихсивой ака, Азиз ака, Насиба опа, Ҳафиза опалардан хурсандман, — деди ёш диктор. — Улар бизни шу қадар севишади, ҳатто узлари ёзган матнни бизга ўқитиб куриб, қайси сиз талаффузида кийналёттан булсан, уша сўзларни бошқа, осонроғиға алмаштириб беришиди. Энг мумхими, улар бизнинг ўз маҳоратимиз, кучимизга ишонч пайдо килишимизда мададкор булишида.

— Еш сұхандонларимиз жуда иктидорли ўғил-қизлар, — деди катта муҳаррир Насибахон Зиевуддинова, — улар ҳар бир сўзниң қандай вазминликда, қандай

оҳангда, қанақа талаффузда баён қилинишини яхши биладилар, унинга қўйиб қойилмақом қилиб уқийдилар, айниқса ширингот Шаҳзод. Купинча унга турли-турман жонповорлар овозига тақлиддан гапиришга турли келади. Шу қадар чиройли ҳуҷатади, беихтиёр завқланиб кетасиз. «Хўроҳанда»нинг қанди.

Утган қиска вақт ичиди Шаҳзод «Табассум» радиожурналида қатнашишга, катта-катта таникли актёрлар билан саҳнадоп булишига, яхни биргаликда роллар ижро этишга муввафқ бўлмоқда. Шаҳзод спортивнинг бокс, теннис, миллий кураш турлари билан шугулланади, кўп китоб ўқиди, информатика, математика унинг севгани машгулоти.

Шаҳзод Зоирев Тошкент шахри, Абдулла Авлоний номидаги мактабнинг 8-синфида уқийди. Аълочи. Укув даргоҳида ўтказиладиган барча танланали тадбирларда дустларига кўмакдош. Унга ҳам барча ишларида омад ёр булсин.

Турсуной СОЛИЕВА.

БИРИНЧИ СИНФ БОЛАПАРИ ҲОКИМ ҚАБУЛИДА

Наманган шаҳрида гамхўрлик — меҳр-муруват ҳафталиги булиб ўтди. Унда шаҳардаги кам даромадли оиласлар фарзандларидан ўз нафари I-синфга бориши олдидан Наманган шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Каримов қабулида бўлдилар. Ҳоким мустақилликнинг тўрт йиллигига аталган тадбирлар, уларнинг ўшоқлик билан ўтаётгани, меҳр-муруват ҳафталигининг аҳамияти, шу кунларда 64 та маҳалла қирқдан ортиқ болаларга ҳатта тўйлари ва йигирма нафар келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари жамоатчилик ва ташкилотларнинг ўзлаб, Назира Аҳмедова, Мухторжон Қодиров, Соҳиба Қаюмова, Шоҳиста Абдуллаева, Баҳромжон Абдуллаев каби юздан зиёд болаларга кийим-бош, турли-турман ўкув қуроллари, ширинликлар улашди.

— Фамхўрлигингиз ва совғаларингиз учун раҳмат, — деди кичкинтой Шоҳиста. — Аъло ўқишига, Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд булиб етишишга сўз берамиз.

УНИ ЮЛДУЗ ДЕБ АТАШДИ

Май ойида Англияда ўтказилган скрипкачиларнинг халқаро қўрик-тандловида ўзбекистонлик ёш скрипкачи Даниил Ҳолиқовнинг «тандлов юлдузи» дея тан олиниши ва Ўзбекистон Президенти стипендиясига сазовор бўлиши ҳаммамиз учун шарафли ҳолдир. Таҳриритимизга келаётган хатларга жавоб олиш учун биз Даниилнинг устози, ҳозирги кунда Успенский номли махсус мусиқа мактабида ёшларга мусиқа сирларидан дарс бераётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Натан Изяславович Міндельсонга Даниил ва ўтган қўрик-тандлов ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Даниилнинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақияти миздир, дедиму, ўйланиб қолдим. Бизнинг юртимиз буюк шоирлар, алломалар, зиёлилар юти бўлган. Бу юртдан не-не даҳолар етишиб чиқсан. Жаҳонни титратган Амир Темур, назм султони А. Навоий, буюк фалакшунос олим Улугбек... Санайверсанг тугамайди бундай кутлуг номлар. Даниилни донишманд боболар руҳи қулладиман? Лекин, асосийси унга қарор, эътибор бўлган. Истеъоддога парвариш бўлса, у юксалади, ўзини кўрсатади, ҳатто асрға татигулик ишлар ҳам қиласди. Лекин олис тог ва сахро қишлоқларимиздаги назардан четда қолган истеъоддлар-чи? Улар бир сурув қўйнинг орқасидан этигини судраб, қамиш найларини чалибюраведиларми?! Уларга жиддий эътибор бериш пайти келмади-микин?!

Қишлоқлардан истеъоддларни қидириб топиш, юқоридагидек мактабларни кўпроқ ташкил этиш бу каби Мустақилликка тўяналар сонини кўпайтиришга хизмат қиласди, албатта.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Тантанали маросимда Наманган шаҳар ҳокимининг уринбосари Дилбархон Зоҳидова, шаҳар ёшлар Иттифоқи қўмитасининг иккинчи котиби Нигора Тожиалиева, шаҳар Халқ таълими бўлими мудири Муҳаммаджон Камолиддинов ҳамда ўкувчиларнинг оналари иштирик этишиди.

Турғунпўлат.
СУЛАЙМОНОВ

МАКТАБИМ, СЕНИ МАҚТАГУМ!

Андижон вилояти, Балиқчи туманинг 5-мактаб жамоаси ҳам ҳар йилгидек ўкувчиларни қувонч, ёшлик билан кутиб олишди. Айниқса, мактабга илк бор қадам қуяётган I-синф юнуси Муҳаммаджон Каримов қабулида бўлдилар. Ҳоким мустақилликнинг тўрт йиллигига аталган тадбирлар, уларнинг ўшоқлик билан ўтаётгани, меҳр-муруват ҳафталигининг аҳамияти, шу кунларда 64 та маҳалла қирқдан ортиқ болаларга ҳатта тўйлари ва йигирма нафар келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари жамоатчилик ва ташкилотларнинг ўзлаб, Назира Аҳмедова, Мухторжон Қодиров, Соҳиба Қаюмова, Шоҳиста Абдуллаева, Баҳромжон Абдуллаев каби юздан зиёд болаларга кийим-бош, турли-турман ўкув қуроллари, ширинликлар улашди.

Мактаб директори Валижон Ҳабилаев барчани янги ўкув бўлди. Кўнглинига ўзбекистонимиздан ўқув юнуси Муҳаммаджон Каримов қабулида бўлдилар. Кенг, ёргу, шинам безатилган хоналарда илмга чан-қоқ ўғил-қизлар билим олишни бошладилар.

Мактаб директори Валижон Ҳабилаев барчани янги ўкув юнуси Муҳаммаджон Каримов қабулида бўлдилар.

Мактаб директори Валижон Ҳабилаев барчани янги ўкув юнуси Муҳаммаджон Каримов қабулида бўлдилар.



Яқинда синфимизда күнгілсіз бир воқеа содир бўлди: ўқитувчимиз Раҳбархон опа танаффус пайтида ўқитувчилархонасига бориб келгунларича сұмқасидан 300 сұм пули йўқолиб қолибди.

— Синфаг бегоналар киришмайди, орназдан бирортангиз олганнисиз. Ешик қилиб билмай олганнисиз, қайтиб берсангиз кечираман, дедилар. Ким олганини сезиб турибману айттолмайман, қўрқаман. Дарсдан сўнг тутиб олиб калтаклайди. Айтмай десам, виждоним... Айтингчи, бу ўғриликми ё шўхлик?..

Улуғбек НОМОЗОВ,
Тошкент шаҳри.

Мұхарриритимизга шу ва шу мазмундаги мактублар кўплаб келиб туради. Масла-

хат сўраб мактуб йўллаётган ўкувчиларимиз, айрим ўқитувчиларимизнинг саволларига жавоб бериш мақсадида газетамида «Хукуқнинг биласизми?» рукнини ташкил қилишни режалаштиридик ва шу мақсадда Тошкент вилояти ҳокимлиги давлат хукуқ бўлими мудири Сайёра опа Хўжаева билан сұхбатлашди:

— **Сайёра опа, бу ниятизига қандай қарайсиз?**

— Ижобий албатта. Чунки вояга етмаган ўсмир йигитқизларимиз орасида билиб билмай жиноятга қўл уриш ҳоллари учраб турганлиги чеч кимга сир эмас. Уларнинг аксариети босаётган қалтис қадамларининг күнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар, моҳиятини тушунибетмайдилар. Кейин эса кеч бўлади. Афсус-надоматдан фойда йўқ. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга уларнинг хукуқлари, шунингдек, ота-онаси, устозлари, қолаверса, жамият олдидаги бурч ва вазифалари ҳақида тушунтиришлар, йўл-йўрик ва маслаҳатлар бериб борилса, хукуқшунослар, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходимларининг чиқишлари тез-тез ўюстирилиб турилса, айни муддао бўларди.

— **Умумий таълим мактабларимизда хукуқшунослик дарсларининг ўтилиши сизни қониқтирадими?**

— Менимча, бундай сабоқларни мактабда эмас, боғча ёшиданоқ бериб боришимиз лозим, худди чет эллардагидек. Оддий мисол: йўл-ҳарақати қоидаларини ўргата бориши жараённида ана шу қоидаларни бузганлик ҳам, ўртоғининг бирор буюмини ёқтириб қолиб, берухсат олганлик ҳам жиноят эканлиги содда қилиб, ўйинлар тарзида ўргата борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Мактабларда хукуқшунослик дарсларига келсак, назаримда етарли даржада ўқитилмаяпти. Дарсларига қарашка, назаримда етарли даржада ҳам бўлмайди. Борлари ҳам юзаки ёзилган, дарс соатлари кам. Бундай дарсларни ўқитиш учун нафақага чиқкан малакали хукуқшунослар, милиция ходимларини жалб қилиш керак. Уларда болаларга ўргатиш учун тажриба ҳам, маҳорат ҳам етарли.

— **Жорий йилнинг олти ойи давомида вояга етмаганлар орасида содир этилаётган жиноятлар тўғрисида гапирсангиз.**

— Ярим йил давомидаги кўрсатгич ўтган йилдаги ярим йилликка қараганда анча паст.

Вилоят, шаҳар, туман ҳоки-

• Хукуқнинг биласизми?

АДАШГАН — АҚПДАН ОЗАР

миятлари қошида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг қайта тикланганлигини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Соглиқни сақлаш, хукукни ҳимоя қилиш, ҳалқ таълими бўлимлари, маҳалла, ёшлар иттифоқи вакилларидан иборат бундай гурухлар вилоят бўйича рейдлар ўюстириб, қайси туманда жиноятчилик даражаси юқори бўлса, ана шу ерда иш олиб борадилар.

Жиноят содир этган ўсмирлар деганда, кўз олдимизга асосан ўғил болалар келади. Ачинарлиси шундаки, улар орасида қизларимиз ҳам йўқ эмас.

Улуғбек Номозовнинг мактубига келсак, ўқитувчисининг пулени ким олганини билб турб, айтмай, чакки қилибди. Ахир бу болаларча шўйлик эмас, бориб турган ўғрилик-ку! Урганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларидек, биринчи бор ҳеч ким пайкамадими, у бу ишга яна қўл уради. Бора-бора меҳнатсиз бойлик ортириши ўзига касб қилиб ҳам олади.

— **Хозирги кунда мактабларимизда турли хил майда-чўйда буюмлар билан савдо-сотиқ қилувчи тижко-**

ратчи болалар ҳам йўқ эмас. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Келажакда бирор бир касбнинг бошини тутиш, айниқса тижкорат ишлари билан шуғулланишучун пухта билимдаркор. Шундай экан, фарзандларимиз 16 ўшга етгунларича уларнинг асосий вазифалари ўқиш, ўрганишдан иборатдир. Эртанги кунлари қандай билим олишларига, қолаверса, уларнинг ота-оналарига ҳам боғлиқ. Менимча, ҳеч бир болаларни таълим олди. Олди-сотди ишлари эса нафақат унинг ўзини, атрофдаги тенгдошларининг ҳам фикрини чалгитади, ҳаёли бўлинади, ўқиш, ўрганишга бўлган иштиёқини сўндиради. Шунинг учун, ҳалқимиз айбни яширмок нодонлар иши, адашгант ақилдан озар, — дейди. Болаоноларимизга «Ана-манадегунчаяхши-ёмонни билгин», — деган мақолни айтгим келади.

— **Мазмунли сұхбатнинг учун раҳмат.**

Ф. ЖАЛИЛОВА
сұхбатлашди.

• Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқдир

«БОШҚА ХОНАДОННИНГ ҲАМ БОЛАЛАРИ ТЎҚМИКАН?»

санъати учун, илм-фани учун юзлаб даҳоларни берди. Улуғ жаҳонгири ҳазрат Амир Темурдай, улуг мунажжим Улуғбекдай, Ҳисрав Дехлавий, Бедил сингари улуг зотлар ҳам мана шу тупроқдан эдилар. Яна юзлаб мутафаккирларни тилга олиш мумкин. Бу билан мен шаҳарларни бир-биридан устун қўймоқчи эмасман, ҳаммамиз учун ҳам Узбекистоннинг бир қарич тупроғи азиз ва мўтабардир. Фарзандлари ҳам бир хил ардоқли. Фаргона тупроғи ал Фарғонийдай, Хоразм эса Мангубердидай, ал Беруний, ал Хоразмийдай, Тошкент Абдулла Қодирийдай улуг зотларни етишириб берди. Аждодларимиз бизга эзгуликни мерос қолдирган эканлар, биз ҳам авлодларга мана шундай эзгу ишларни инъом этмоғимиз шарт. Мен аввало онаман, оналик шаъни эса ҳамма нарсадан устун турди. Қолаверса, ҳалқимиз улуг бир инсоний бурч, яъни раҳбарлик лавозимини ишониб тошириганди. Оналик меҳр-муҳаббатимни ҳалққа, келажак авлодга сарфлаш учун, орзу-ниятларимни руебга чиқарип учун раҳбарлик менга имконият яратиб берди. Бу имкониятлар ҳам аслида ҳукуматимиз эзгу йўлда жорий этган қонунларининг смарасидир. Қонунларимизни амалга оширувчилари, яъни ижрочилари қанчалик дидли-фаросатли бўлса, барча баҳту иқбол болаларни бўлади. Онақалбини оналаргина яхши тушуниши мумкин. Ҳар бир она қалбидан фарзанди улуг инсон булиб етишишига умид туйгуси чўкиб ётади. Фарзандларга қайғурмоқ тугилажак темурлар, улугбеклар, навоийларга қайғурмоқдир.

— **Ота-боболаримиз биз учун, бизнинг келажакимиз учун қайғурган эканлар, бизнинг авлодларга қайғурнишими ҳам табиий бир ҳол. Биз улуг боболаримиз билан фахрланганимиз каби келажак авлод ҳам биз билан фахрланынлар.**

— Мен Самарқанд шаҳрида тутгилганман. Шу тупроқда улғанман. Бу қадимий ва муқаддас тупроқ дуне ҳарбий

баъзи ота-оналарнинг фарзандлари ҳаётига бефарқ қараши, яширича гиёвандликка сабаб бўлувчи ўсимликлар экишлари ва уни сотишлари каби...

— Албатта, бу борада ҳам Президентимизнинг улуг ташабbusлари ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Турли заарали гиёхларни яширинча экиши ва сотиш, натижада ёш вужудларни майб-мажруҳ қилиш иллати собиқ Иттифоқ даврида кент тарқалганди. Фақат яшириб келинарди. Ва бу иллат мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам бир оз вақт давом этди. Мана, икки уч йилдирки, бунга қарши жиддий ва қаттиқ кураш бошланди. Ижобий натижаларга ҳам эришилди. Ўз-ўзидан савол туғилади. Уша заарали гиёхларни яширинча экадиган кишилар уларни кимларга сотади? Уни кимлар қабул қиласди? Табиийки, уларнинг ўз болалари. Бундан ким фойдао ким зиён куради. Бу фожсани чуқур хис қилиш ва тушуниш учун аввало бъяззи ота-оналаримиз юксак инсоний маданиятта эришган бўлмоги керак. Бордию фарзандларимиз орасида ҳулқи бузукликлар соидир бўлса, биргалашиб уша фожсанинг олдини олинига киришишими зарур. Агар бирон-бир она ўз фарзандига нисбатан бефарқ бўлса, демак у бирон-бир таъсири оқибатида бўлган бўлади. Гайриинсоний таъсиrlарга берилмаган оналар эса доимо ўз боласининг қисматини эътибордан қочирмайди. Дунё кенг, одамизод сонсаноқсиз. Ҳали ер юзида болалар кўчаларда туғилиб, кўчаларда улғайиб, кўчаларда гудакларни стимлиқдан асрариди.

— **Модомики гап болалар ҳақидаги эзгу ишларга тақалар экан, шу йўлда тўғаноқ бўлаётган тўсикларга ҳам тўхтальмасликнинг иложи йўқ. Масалан,**

дан буен бундай күнгилсизлик нинг гувоҳи бўлмадим. Ҳалқимиз доим иноқ, толиқдан кезлари бир-бирининг бағрига киради. Иккисодий танглиқ юз берганда ҳам, ҳозир ҳам ҳукуматимиз болаларга ёрдам беришини кандай қилгани йўқ. Мактаблар, болалар боғчалари аввалидан яхшироқ фаолият курсатасидир. Масалан, ўтган йили туманимизда 8 та янги мактаб биноси ишга тушиди. Буйил эса учта. Насиб этса улуг Навруз кунларига яна 2 та ўқув даргоҳини топшириш умидимиз бор. Туманимиздаги анчагина ташкилотлар мактаблар болаларни ўз оталиқларига олишган. Жумладан, ҳокимият ҳам 2000 ўқувчига уст-бош совға қилишини зиммасига олган. Ҳудудимизда 65 та мактаб бор. Уларда 92 мингга яқин бола билим ва тарбия олади. 3,5 минг ўқитувчи уларга устозлик қиласди. Кунлаб болалар боғчалари ишлаб турибди. Бундан ташқари сил касали билан оғриган болаларни ҳам даволаш, ҳам ўқитиш учун 80 уринли ингернат ҳам ишлаб турибди. Битта лицей гимназия эса чет тилини ўргатади. Болаларга қайғурицек мұқаддас түйгунни Оллоҳ биз оналарга насиб этган экан, у улуг зотга факат шукроналар айтишимиз керак. Буйилда мен барчага бирдай эзгу тилаклар тилаб қоламан.

Бордию ҳозирги кунларда болалар учун чиқариладиган ойномалар, рўзномалар тақчиллик сезсалар, марҳамат, кўп қатори билалар ҳам ёрдамга тайёрмиз.

— Сизга чин қалбдан миннатдорчилек билдирамиз.

Сұхбатдош: Усмон АЛИ.



Узбекистон ҳалқ ноиби, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима ҲАКИМОВА билан мулоқот:

— Раҳима Ҳакимовна, сиз билан бутун дикқат-эътибор келажак авлодга қаратилаётгани ҳақида гаплашсан...

Мустақиллик нурлари кузларимизни очди, ҳис-туйгуларимизни жўшурдирди, лоқайдик, бефарқлик уйгусидан ўғондик. Илгари келажакка, болаларимиз ҳақида қайғуриш факат қандайдир мавхум назариялардагина мавжуд эди. Аслида эса биз орзу қўлганда, аниқроги, ҳозир амалга ошираётгандай эзгу ишлар қилинмаган. Энди эса амалиётта кучдик. Кимларданидир қўрқиб ё ҳадискираб эмас, очиқасига, яъни ҳақиқий ўзбек онаси, ӯзбек отаси бўлиб болаларимизга қайғураётгиз. Ҳаменнимиздаги бор импульсни шу эзгу ишга сарфлаётгиз. Ва ҳеч ким бизга таҳдид ўтказаётгани йўқ. Аксинча, эзгу ишларимизни қўллаб-қувватлаётлар.

— Ота-боболаримиз биз учун, бизнинг келажакимиз учун қайғурган эканлар, бизнинг авлодларга қайғурнишими ҳам табиий бир ҳол. Биз улуг боболаримиз билан фахрланганимиз каби келажак авлод ҳам биз билан фахрланынлар.

— Мен Самарқанд шаҳрида тутгилганман. Шу тупроқда улғанман. Бу қадимий ва муқаддас тупроқ дуне ҳарбий

